

**XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА СОВЕТЛАР ТОМОНИДАН ЖОРИЙ  
ЭТИЛГАН БОШҚАРУВ ТИЗИМИ: «ИСЛОҲОТ» ВА ОҚИБАТЛАР  
(НАМАНГАН УЕЗДИ МИСОЛИДА)**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-45>

**Ҳайдаров Захриддинбобир Умарович,  
Наманган давлат университети доценти**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг, Наманган уезди ҳудудида жорий этилган бошқарув соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг оқибатлари манбалар асосида илмий ёритиб берилган. Хусусан, бошқарув тизимидаги ўзгаришлар, ушбу даврда ташкил этилган миллий нашрлар, театрни ташкил этиш йўлидаги ҳаракатлар баён этилган. Таълим, тиббий хизмат ва бошқа соҳалардаги ижтимоий муаммолар, кулоқлаштириш, қатағонлик сиёсатининг фожиаи оқибатлари тўғрисида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Ёшлар иттифоқи, волост, национализация, миллий нашр, театр, таълим, тиббий хизмат, ер-сув ислоҳоти, жамолаштириш, қатағонлик.

**СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ, ВНЕДРЁННАЯ СО СТОРОНЫ СОВЕТОВ  
В 20-30 ГОДАХ XX ВЕКА: «РЕФОРМА» И ПОСЛЕДСТВИЯ (НА  
ПРИМЕРЕ НАМАНГАНСКОГО УЕЗДА)**

**Ҳайдаров Захриддинбобир Умарович,  
доцент Наманганского государственного университета**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье на основе источников освещены реформы в системе управления и его последствия в Наманганском уезде. В частности, освещены изменение в системе управления, национальная печать того времени, действие по пути создание театра. Социальные проблемы в области образование, медицинской службы и другие. Частично останавливается кулачеству, репрессивная политика и его трагические последствия.


**Ключевые слова:** Союз молодёжи, волост, национализация, национальная печать, театр, образование, медицинская служба, земельно-водная реформа, коллективизация, репрессия.

**ESTABLISHMENT OF GOVERNANCE SYSTEM BY SOVIETS IN THE  
20S-30S OF THE XX CENTURY: “REFORMS” AND CONSEQUENCES (IN  
THE EXAMPLE OF NAMANGAN UYEZD)**

**Khaydarov Zahridinbobir,  
Associate professor of Namangan State University**

**ANNOTATION**

In this article the reforms in governing branch in Namangan and their results af-



ter Soviet Government was established are described. Especially, information about changes in governing branch, national publications came out at that time, struggles for establishing national theatres are given. Partly Education, Medical care and other social problems, results executions are also mentioned.

**Key word:** Youth union, volost, national publication, theatre education, medical service, land-water reform, collectivism prohibition.

Бутун Туркистонда бўлгани каби, Наманган вилояти ҳудудида ҳам совет ҳокимияти зўрлик билан ўрнатилди ва янги давлат асосларини барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, дастлаб коммунистик партия ва коммунистик ёшлар иттифоқи (комсомол) нинг давлат ва жамият ҳаётидаги бошқарувчилик ролини оширишга асосий эътибор қаратилди. Шу мақсад йўлида 1917 йилнинг 19 ноябрида бўлиб ўтган Наманган уезд-шаҳар солдат ва ишчи депутатлари советидаги ишчи депутатлари гуруҳининг умумий йиғилишида коммунистик фракция ташкил этилди. Ушбу фракция таркибида биронта ҳам маҳаллий миллат вакиллари йўқ эди. Кейинчалик унинг негизида коммунистик партиянинг Наманган вилояти кўмитаси шакллантирилди. Большевиклар ўз мафкуравий ғояларини аҳоли, хусусан, ёшлар орасида кенг ёйиш учун жойларда коммунистик ёшлар иттифоқи ташкилотларини тузишга эътибор қаратдилар. Натижада, 1919 йилнинг ёзида Наманганда ҳам коммунистик ёшлар иттифоқи ташкил топди.[1]

Туркистон совет автономияси мухториятини расмий ташкил қилиш масаласи 1918 йил ўлка советларининг V съездида кўриб чиқилди. ТАССРнинг олий қонун чиқарувчи органи сифатида ишчи, аскар, деҳқон ва мусулмон деҳқонлар советлари съезди, доимий фаолият юритувчи олий қонун чиқарувчи органи қилиб эса, Марказий Ижроия кўмита белгиланди. Жойлардаги маҳаллий советлар ва уларнинг ижроия кўмиталари ҳокимият функцияларини бажаришлари кераклиги таъкидланди.[2] 1918 йил октябридан 1919 йил августигача Наманганда совет ҳокимиятининг органи сифатида шаҳар-уезд солдат ва ишчи депутатлари совети Ижроия кўмитаси, 1919-1921 йиллар оралиғида эса Наманган уезд-шаҳар инқилобий кўмиталари фаолият юритди.[3] 1920 йилгача уездда эски маъмурий бошқарув тизими сақланиб қолган бўлиб, волостларда волост бошқарувчилари, қишлоқларда қишлоқ оқсоқоллари, маҳаллаларда оқсоқоллар фаолият юритдилар.

1920 йилнинг ёзида ТуркМИК, Турккомиссия ва ўлка компартиясининг қарорига мувофиқ волост ва қишлоқ советларига сайловлар борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу масала юзасидан 1920 йил 14 июнда Наманганда ҳам уезд-шаҳар инқилобий кўмитаси ва партия комитетининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унинг қарорига кўра, волост бошқарувчилари, шаҳар ва овул оқсоқоллари ҳамда элликбошилиқ лавозимлари бекор қилинди. Зудлик билан шаҳарларда даҳа кўмиталари ва волост советларини тузишга киришилди. Амалдаги волост бошқарувчилари советлар ва Инқилобий кўмиталар таркибига киритилмади. Наманган шаҳрида ҳам оқсоқол ва мингбошилиқ лавозимлари ўрнида даҳа кўмиталари ташкил этилиб, уларнинг раислигига партия аъзолари-



коммунистлар тайинланди[4].

Туркистон ХКС совет ҳокимиятининг иқтисодий соҳадаги сиёсати асосларини яратиш мақсадида 1917 йилнинг декабрида фабрика- завод кўмиталари тузиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Кейинчалик совет ҳокимиятининг ишчи назорати ҳақидаги декрети эълон қилинди. Унга мувофиқ, саноат ишлаб чиқаришини деярли тўлиқ назорат қилиш ваколати юқоридаги фабрика- завод кўмиталарига берилди. Бундан кўзланган мақсад, ўз ўрнида саноатни национализация қилиниши учун замин тайёрлаш эди. Орадан кўп вақт ўтмасдан ўлкада ишлаб чиқаришни национализация қилиш тадбирлари бошлаб юборилди. Жумладан, 1918 йилнинг март ойи ўрталарига келиб, Наманган уездидаги пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш заводлари ҳамда банклар национализация қилинди[5].

Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки тадбирларидан яна бири сифатида ишни омма орасида ўз ғояларини тарғиб қилувчи миллий нашрлар ташкил этишдан бошлади. Шу даврдан эътиборан “Ишчилар қалқони”, “Эркинлик”, “Қизил тикон”[6], “Уйғониш”[7] номли газета-журналлар нашр этила бошлади.


Татар маърифатпарвари Ҳусайн Мақаев «Ишчилар қалқони» газетасининг ташкилотчиларидан бири бўлди ва 1921 йилдан 1928 йилгача Намангандаги давлат босмахонасини бошқарди. У 1937 йил катагон қурбони бўлгунга қадар педагогик фаолият билан шуғулланди. Ҳ.Мақаевнинг педагогик, нашриётчилик фаолиятида унинг хотини Ф.Мақаева ҳам жуда катта ёрдам берган[8].

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, миллий театр санъати ўзига хос мафкуравий восита сифатида шакллантирилди. Театр санъатидан миллий маданият равнақи ниятида эмас, балки ғоявий мақсадлар йўлида фойдаланилди. Масалан, 1918 йилда И.Низомбоев ва Ҳ.Йўлдошқориев (Ўғизхон) томонидан ташкил қилинган «Шарқ» театр труппасида инқилобий кўмита илтимосига кўра, Ҳ.Йўлдошқориев «Омонполвон» деб аталган асар ёзиб саҳналаштирди. Омонполвон гуруҳининг суди «Шарқ» клубида ўтказилди ва улар ҳузурида спектакл намойиш этилиб, кейин ҳукм эълон қилинди. Эртасига ҳукм ижро этилди, яъни Омонполвон отиб ташланди[9].

1919 йилнинг сентябр ойида Фарғона музофоти маориф ишлари нозири Ҳ.Ҳ.Ниёзий театр тузиш мақсадида Наманганга келди ва «Кўк кўйлак» труппаси ташкил этилди. 1931 йилга келиб, «Кўк кўйлак», «Шарқ» труппалари негизида Наманган театри ташкил топди. Шу йилларда театрга Раззоқ Ҳамроев раҳбарлик қилди. Ўша йили К.Яшиннинг «Интилиш» ва «Ҳужум» асарлари саҳналаштирилди. Наманганда К.Яшиннинг «Арслон» драмаси андижонликлар билан ҳамкорликда саҳнага кўйилди[10].

XX асрнинг 20-йилларида таълим тизимида ўзига хос муаммолар мавжуд эди. 1920 йил Наманган уездида асосан европаликларнинг болалари учун ташкил этилган фақат 2 тагина болалар боғчаси бор эди. Шунингдек, 14 та маҳаллий мактаб бўлиб, унда 1327 та ўқувчи таълим олган[11].

Совет ҳукуматининг дастлабки пайтларида Наманган уездида аҳолининг ижтимоий турмуши, тиббий хизмат кўрсатиш анча паст даражада эди. Наманганда 1921 йилда 1 та амбулатория 3 та врач бўлган[12]. 1936 йилда вилоятда медицина



билим юрти ташкил этилгачгина, ўрта малакали ҳамширалар етказиб бера бошланди[13].


Совет ҳокимиятининг дастлабки кезлариданоқ, марказий ҳудудларда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар Туркистонга ҳам ўзининг таъсирини кўрсата бошлади. Масалан, 1921-1922 йилларда совет ҳокимиятининг кўпол иқтисодий сиёсати туфайли, Россиянинг Марказий ҳудудларида даҳшатли очарчилик юз берди. Бутун туркистонликлар қатори, наманганликлар ҳам очларга ёрдам кўрсатиш ишларида фаол катнашдилар. 1921 йилнинг август ойи бошларида Наманган уездида ҳам очларга ёрдам комиссияси ўз фаолиятини бошлади. 1921 йилнинг октябрида ўтказилган ҳафталик тадбирлари натижасида очларга ёрдам тариқасида Наманган шаҳридаги аҳолидан 18 млн. рубль пул, бошқа моддий нарсалар тўпланди. Бундан ташқари, очларга ёрдам бериш мақсадида уюштирилган шанбалиқдан 4 млн. 698 минг рубль йиғилди. 1921 йил август ойи биринчи ярмидан Туркистонга Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидан очлар келтирила бошланди. Наманган уездида очлар учун 1921 йилнинг 5 августидан 11 августигача озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари 3 млн. рубл хайрия маблағи тўпланди[14].

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Фарғона вилоятининг шимолий ҳудудлари (яъни, ҳозирги Наманган вилояти-диссертант) ҳам оғир иқтисодий қийинчиликлар ва ижтимоий муаммоларни бошдан кечирди. Масалан, бу муаммолар Ўзбекистон ССР советлари МИҚ Президиумининг «Чуст шаҳар советининг фаолияти ҳақида» ги қарорида ҳам қайд этилди. Октябрь тўнтаришига қадар Чуст шаҳрида 27 000 аҳоли истиқомат қилган бўлиб, улар асосан ҳунарманд ва ишчилардан иборат бўлган. Совет ҳукуматининг зўрлик билан ўрнатилиши жараёнида эса, аҳолининг кўп қисми, бошқа ерларга кўчиб кетишга мажбур бўлди. Чустда 1917 йил октябригача саноат ишлаб чиқаришининг бир неча тури; ёғ-мой, пахта тозалаш, кончилик ва бошқалар мавжуд бўлган бўлса, 20-йилларда Чуст шаҳрида озиқ-овқат етишмовчилиги яққол сезилмоқда эди. Масалан, ҳунарманд-ишчиларнинг фақат 60% игина ошхоналарда нон билан таъминланган эдилар, холос. Мактаб, касалхона ва шу каби ижтимоий-маиший муассасалар учун бинолар қуриш ишлари деярли тўхтаб қолган эди[15]. Совет ҳокимиятининг дастлабки пайтларидаёқ Марказдан ўлкамизга кадрлар юбориш сиёсати амалга оширила бошлади. Масалан, Лениннинг сафдошларидан А.А.Воскресенский 1924 йилда Наманганга юборилди. Унинг раҳбарлигида шу йили Марказий Фарғона чўлларида (ҳозирги Мингбулоқ тумани-диссертант) «Гулбоғ» номли биринчи совхоз тузилди. Қишлоқ хўжалиги борасидаги асосий эътибор пахта экин майдонларини кенгайтиришга қаратилди[16].

1921-1925 йиллардаги аграр ислоҳот, 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти совет ҳокимиятини қониқтирмади. XX аср 20-йилларининг охирларидан қишлоқда ёппасига жамоалаштириш сари йўл тутилиб, жамоа хўжалиklarини тузиш бошланди. Мазкур сиёсатга қарши бўлганлар эса ўша давр таъбири бўйича «қулоқ» деб аталадиган бўлди.

Дехқонларга қарши кураш олиб боришда «фавқулодда чоралар» 1927-1928





йиллардаёқ қўлланилди. «Қулоқ» хўжаликларини чеклаб қўйиш, ғалла тайёрлаш кампаниясини жорий этиш, деҳқон хўжаликларини тинтув қилиш, ортиқча маҳсулотларни, хатто уруғлик донни зўравонлик билан тортиб олиш, меҳнат куруллари, иш ҳайвонлари ва бошқа мол-мулкни мусодара қилиш, деҳқонларнинг ўзларини эса қамоққа олиш кенг тус олди.

Айни вақтда «қулоқ»ларни сиёсий жиҳатдан ҳам чеклаш, яъни уларни сайланиш ва сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсати олиб борилди. Бундай чеклашлар «қулоқ» деҳқонлар билан бир қаторда ўртаҳол ва камбағал деҳқонларга ҳам татбиқ этилди[17].

Ёппасига коллективлаштиришда кўпол хатоликларга йўл қўйилди. Айрим қишлоқларда колхозлаштиришга қарши исёнлар кўтарилди.

Қулоқ қилинганларнинг 10% и 60-90 ёшли қариялар, 40% и 16 ёшгача бўлган болалар, 50% и 16-60 ёшгача бўлган кишилар бўлиб, шундан 40% и аёллар эди. Қулоқ қилинганлар рўйхатида 1 ёшлик болаларни ҳам кўплаб учратиш мумкин[18]. Аксарият ёш болалар нотаниш шароит ва қийинчиликларга бардош беролмай нобуд бўлиб кетдилар.

Советларнинг Ўзбекистондаги жамоалаштириш ва у билан ёндош тарзда олиб борган қулоқлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши жуда ҳам оғир кечди. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш даврида Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги «қулоқ» қилиниб, улардан 31,7 минги қатағон этилди[19]. Унинг фожиали оқибати шу бўлдики, минглаб кишилар қирилиб кетди, миллий қишлоқ қашшоқлашди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш инқирозга юз тутди.

XX асрнинг 30-йилларидаги оммавий қатағонлар наманганлик зиёлиларни ҳам четлаб ўтмади. «Мунаввар қори ва бошқалар» иши бўйича 1931 йилда кўп кишилар отишга ҳукм қилинди. Улар орасида, наманганлик таниқли журналист ва шоир Лутфилла Олимий ҳам бор эди. Кейин Олимийга нисбатан чиқарилган суд ҳукми 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилди[20]. Наманган вилояти мисолида ўзбек халқининг ўнлаб фарзандларини бадном этилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

1937-1938 йиллардаги қатағонлик сиёсати жараёнида иттифоқ ва республиканинг жазо органлари томонидан ўйлаб топилган сохта «ишларда» айбланиб, «кўплаб жамоат арбоблари, хўжалик кадрлари, дин вакиллари, зиёлилар ва бошқалар судсиз-сўроқсиз қамоққа ташландилар». Наманганлик ижодкорлардан Ибрат, У.Носир, Сўфизода, Р.Мўмин, Л.Олимий, С.Холдорова; миллий раҳбар кадрлардан И.Хидиралиев, И.Низомбоев, М.Эрматов, Н.Қориев, Ш.Шомансуров, М.Шоҳимардонов; хўжаликсоҳасидаги кадрлардан А.Халилбеков, Д.Эгамбердиев; ҳарбий кадрлардан М.Шомирбоев, Ҳ.Раҳматов; дин арбобларидан А.Мирҳайитов, У.Сайидахмедов; оддий жамоа хўжалиги аъзоси Т.Раҳимов, С.Сайидматов. Э.Шомансуров (1902-1937), Ҳ.Бобоназаров (1902-1937), А.Қориев (1894-1937), М.Муллажанов (1885-1937), А.Азизов (1905-1937), О.Ҳожиматов (1886-1937) каби жуда кўплаб кишилар қатағон домига тортилдилар. Юқорида номлари зикр этилган шахсларнинг деярли барчаси етук билимли давлат ва жамоат арбоблари

эдилар[21].

1937-1953 йилларда Ўзбекистон бўйича қарийб 100 000 киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланди[22]. Мустақилликнинг дастлабки йилида қатағон этилганлар ишини қайта кўриш жараёнида наманганлик 900 нафар кишининг номлари ҳам оқланди[23].

Шундай қилиб, XX аср 30-йилларининг охирига келиб, бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Наманганда ҳам муҳолифатчилик ҳаракати, демократик кайфиятдаги кучлар тўлиқ йўқ қилинди. Жамият ҳаётининг барча соҳалари янги тузум манфаатларига бўйсундирилди. Хўжалик тизими эса социалистик андозалар асосида ташкил этилди.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 5,37 варақлар.
2. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). – Тошкент: Шарқ, 2002. –Б.29.
3. НВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 3-4 варақлар.
4. НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 20-21 варақлар.; Приказы Наманганского-уездно-городского ревкома // Рабочий путь, 1920 йил 14 апрель.
5. НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 33-34-варақлар.
6. НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 48-варақ.
7. Мирзалиев Э.Ю., Бозорова М.Т. Наманганнинг XIX аср охири XX аср бошидаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши. –Наманган: 1998. –Б . 56.
8. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар.(1917-1924 йиллар). –Тошкент: Университет, 2005. –Б.179-180.
9. Қориев С. Қалдирғоч драматург. Болалар оталар ҳақида //Наманган ҳақиқати, 1991 йил 7 ноябрь.
10. Жуманазаров О. Умрнинг уч лаҳзаси // Наманган ҳақиқати, 1991 йил 6 март.
11. ЎЗР МДА, Р-34 фонд, 1-рўйхат, 699-иш, 12-13 варақлар.
12. ЎЗР МДА, Р-40-фонд, 1-рўйхат, 190-иш, 1416-варақнинг орқа томони.
13. Мадатов А. Халқи соғ-омон юртнинг заволи йўқ // Наманган ҳақиқати, 1991 йил 27 март.
14. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар.(1917-1924 йиллар). –Тошкент: Университет, 2005. – Б. 95,96,118.
15. ЎЗР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 6383-иш, 2-3 варақлар.
16. Рўзибоев Т., Ҳожимирзаев М. Наманганская область: Справочник. – Тошкент: Ўзбекистон,1981. –Б.66.
17. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: Жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). –Тошкент: Шарқ, 2003. –Б.28.
18. НВДА Чуст туман филиали, 339-фонд, 1-рўйхат. 1-2 иш.
19. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб.Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида/Тузувчилар: М. Жўраев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва



бошқ. –Тошкент: Шарқ, 2000. –Б.322.

20. Халилбеков А. Суронли йиллар армонли диллар //Наманган ҳақиқати, 2000 йил 4 октябрь.

21. Ҳайдаров З.У. 30-50 йиллардаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари (Наманган вилояти мисолида) //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2001. №6. –Б.58.

22. Каримов И.А. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ //Халқ сўзи, 2000 йил 13 май.

23. Наманган ҳақиқати, 1991 йил 19 март.